

YUSUPOVA Nigora

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi,
Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o'rganish
ICESCO kafedrası professori, yuridik fanlar doktori
nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru*

АС-СОБУНИЙ – МОТУРИДИЙ МАКТАБИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ

АС-САБУНИ – ВЫДАЮЩИЙСЯ ПРЕДСТАВИТЕЛЬ ШКОЛЫ МАТУРИДИЯ

AS-SABUNI – THE GREAT REPRESENTATIVE OF THE SCHOOL OF MATURIDIYA

Аннотация: Ушбу мақола Мовароуннаҳрда XII асрда яшаб ижод этган мотуридий мактабининг яна бир атоқли вакили Аҳмад ибн Маҳмуд Собунийнинг илмий фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган. Мақолада мазкур алломанинг мотуридийлик таълимотни ёйиш, унинг мураккаб томонларини шарҳлаш, муҳолифлар қарашлари ва саволларига илмий жавоблар беришга бағишлаган асарларининг тузилиши, услуби, ундаги мавзулари ҳам илмий таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада аллома асарларининг калом илмида тутган ўрни ҳақида ҳам алоҳида сўз юритилади.

Калит сўзлар: калом, мотуридийлик, манба, ақида, ҳукм шарҳ, Қуръон, Ҳадис.

Резюме: Данная статья посвящена толкованию научной деятельности Ахмада ибн Махмуда Собуни, еще одного выдающегося представителя школы Мотуриди, который жил и работал в Моваруннахре в XII веке. В статье научно анализируются структура, стиль и тематика работ этого ученого, посвященных распространению учения о мотуридизме, разъяснению его сложных аспектов, научные ответы на взгляды и вопросы оппонентов. Также в статье упоминается роль произведений учёного в развитии науки Калям.

Ключевые слова: калям, мотуридия, источник, вера, суждение, толкование, Коран, Хадисы.

Abstract: This article is devoted to the analysis of the scientific activity of Ahmad ibn Mahmud Sabouni, a well-known representative of the Moturidiya school, who lived in Movarunnahr in the 12th century. The article scientifically analyzes the structure, style and themes of the works of this scientist, devoted to the dissemination of the doctrine of moturidism, clarification of its complex aspects, scientific answers to the views and questions

of opponents. The article also mentions the role of the scholar's works in the development of Kalyam science.

Key words: kalam, moturidiya, source, faith, judgment, interpretation, Koran, Hadith.

КИРИШ

Буюк имом Абу Мансур Мотуридий яшаган IX-X асрлар ислом дунёсида хилма-хил ақидавий оқимларнинг ўзаро кураш даври бўлди. Имом Мотуридий ўзининг 14 дан ортиқ илмий асарлари билан ҳамда оғзаки мунозара ва мужодала мажлислари орқали уларнинг ғоявий негизлари асоссиз эканлигини исботлаб берди. Бу билан аҳли суннат вал жамоат орасида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб, ҳанафийлик каломи бўйича Туркистонда энг буюк аллома сифатида тан олинди.

Унинг вафотидан кейин ушбу мактабнинг йирик намояндалари, жумладан, Умар Насафий ва Алоуддин Самарқандий мотуридий таълимотини ёйиш, унинг ғояларини шарҳлаш бўйича унитилмас хизмат қилдилар [10:22].

АСОСИЙ ҚИСМ

XII асрда Мотуридий мактабининг бир атоқли вакили Аҳмад ибн Маҳмуд Собуний ўз асарлари билан катта шуҳрат қозонди ва мотуридий калом мактабининг ҳомийси сифатида эътироф этилди.

Ушбу алломанинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр бўлиб, манбаларда «ал-имом», «ал-имом-ул-ажалл» (буюк имом), «нур-уд-дин» (дин зиёси), «носир-ул-ҳақ» (ҳақ ёрдамчиси) ва ас-Собуний лақаблари билан шуҳрат қозонган. Куниёси айрим манбаларда Абу Муҳаммад, баъзиларида Абу-л-Маҳомид шаклида берилади [3:215].

Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг Собуний деб аталишига совунсозлик ёки совун сотиш касби билан шуғулланиши сабаб бўлган деб келтирилади [3:215].

Нуруддин Собуний ҳижрий 580 йил сафар ойининг 16-да чоршанба куни (1184 йил 30 май) куёш ботиш чоғида ҳаётдан кўз юмиб, Бухородаги «ал-Қузотус-сабъа» («Етти қози») мақбарасида дафн этилган.

Собунийнинг туғилган йили ва жойи ҳақида аниқ маълумот бўлмаса ҳам, у билан Фаҳруддин Розий орасида бўлиб ўтган мунозаралар йилига асосланиб, унинг таваллуди ҳижрий VI аср бошларида Бухоро шаҳрида содир бўлган

деган фикр бор. У туғилган оила эътиборли хонадонларидан ҳисобланиб Бухоро, шунингдек Ирок ва Хуросонда ўз илму фазли билан машҳур бўлган.

Олимнинг илмий ҳаётига оид манбалар унинг асарлари ва бизга етиб келган иккита мунозарасини ўз ичига олган китобда мужассамдир. «Тожут-тарожим» (Ибн Қутлубғо) ва айрим бошқа манбалардан у фикҳни хоразмлик шамсул-аимма Кардарийдан (вафоти 562/1167 й.) ўрганганига ишора қилинади [1:10]. Собуний асарини нашр этган Бакр Тўбол ўғлу ҳам учта асосий манбага таяниб, унинг устози Абдулғафур ибн Нўъмон ибн Муҳаммад шамсул-аимма Кардарий бўлиши мумкинлигини таъкидлайди (Кардар Хоразмга мансуб бўлиб, ҳозир Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган).

Нуруддин Собуний баъзан аҳли сунна ва бошқа мактаблар намояндалари билан керак бўлса аҳли бидъат билан мунозара ва мужодалада бўлган. Бундай мунозаралардан иккитасининг матни бизгача етиб келган. Улардан бири атоқли мутакаллим ва фақиҳ Ибн ал-Хатиб лақаби билан машҳур Шофиъий мазҳабининг йирик намояндаси, мантиқ ва фалсафа соҳаларида кўп асарлар Имом Фаҳруддин Розий (вафоти 1210 й.) билан бўлиб ўтган. Муаллиф вафотига тўғри келган ҳижрий 580 йилда Фаҳруддин Розий Мовароуннаҳр олимлари, айниқса, Собуний билан ўтказилган мунозараларни улар тўпланган «Мунозарот» китобида кўриш мумкин. Мунозаралар «Аллоҳ руъяти», «Вужуд далили» ҳамда «Таквин ва мукавван» мавзуларига тааллуқли бўлган. Ушбу китобни Тўбол ўғли кўриб, ундан фойдаланган. Иккинчи Мунозара Шайх Рашидуддин билан бўлиб ўтган [3:215].

Нуруддин Собуний Абу Мансур Мотуридий таълимоти асосида Ҳанафий мазҳаби бўйича бир неча илмий асарлар яратган. Унинг китоблари ушбу таълимотни ёйиш, унинг мураккаб томонларини шарҳлаш, муҳолифлар қарашлари ва саволларига илмий жавоблар беришга бағишлаган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

А) «Ал-Мунтақо мин исматил-анбиё»

Китобнинг муқаддимасида ёзилишича, у «Исма тул-анбиё» номи билан машҳур бўлган шайх Абул-Ҳусайн Муҳаммад ибн Яҳё Башоғарий асари «Кашфул-ғумуз фи аҳволил-анбиё»нинг қисқартирилган шаклидир.

Китоб Қуръонда таъкидланган пайғамбарлар исмати, яъни гуноҳлардан поклигига тўғри келмайдиган гуноҳларнинг уларга нисбат берилишига раддия сифатида ёзилган. Шунингдек, у анбиёлар ҳақида нозил бўлган бир қатор оятлар тафсирини ҳам ўз ичига олади. Китобнинг иккита қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, ношир Маҳмуд ибн Сулаймон ибн Абу Бакр томонидан ҳижрий 652 йил кўчирилган ва Сулаймония кутубхонасининг «Лолали» қисмида сақланаётган қўлёзма нусхасидан фойдаланган.

Б) «Ал-Кифоя фил Ҳидоя»

Калом илмига оид ушбу китобни Собуний Мотуридий қарашларига асосланиб ёзган, кейинчалик уни тўртдан бирга қисқартириб «ал-Бидоя» деб атаган. Ноширнинг таъкидлашича, «Бидоя»га киритилган масалалар, «Кифоя»да муфассалроқ ва аниқроқ ёритилган. Унинг турли нусхалари кутубхоналарда мавжуд.

В) «Китобул – бидоя фи усулид-дин»

Турк олими Бакр Тўбол ўғлининг таъкидлашича, ушбу китоб муаллифнинг энг машҳур ва кўп кўчирилган асаридир. У шунчалик катта шуҳрат ва эътиборга эга бўлганки, олимлар Собунийни «Соҳибул-бидоя», яъни «Бидоя» китоби соҳиби деб атаганлар [2:9].

Ушбу китоб «ал-кифоя фил-Ҳидоя»нинг қисқартмаси бўлгани учун баъзан «Талхисул-Кифоя» («Кифоянинг қисқартмаси»), «Мулаҳхасул-Кифоя» ва «Мухтасарул-Ҳидоя» номлари билан ҳам аталиб келган. Унинг турли қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, уларнинг энг қадимийси Қопусаройдаги Учинчи Аҳмад кутубхонасида сақланиб, ҳижрий 653 йили, яъни муаллиф вафотидан 73 йил кейин Аҳмад ибн Аби Бакр исмли хаттот томонидан кўчирилган.

Нуруддин Собунийнинг Ҳанафий мазҳаби бўйича калом илмига оид энг муҳим ва ихчам асари бўлмиш «Китоб–ул–бидоя фи усул–ад–дин» («Дин асослари бўйича бошланғич китоб») тадқиқотчи олим Бакр Тўбол ўғли томонидан турк тилига таржима қилиниб, арабча танкидий матни билан бирга 1976 йили Истанбулда, 1955 йили эса Анкарада бешинчи марта нашр этилган.

Китобнинг арабча матни ноширнинг қискача муқаддимаси билан 93 бетдан иборат. Муаллиф китобни 41 та катта-кичик қисмларга бўлиб, ҳар бир масаланинг қискача шарҳини тегишли қисмнинг сарлавҳасида берган.

Қисмларнинг бештаси «фасл» ва ўттиз олтитаси «ал-қавл» деб аталган. Масалан, «ал-Қавлу фи тавҳидис-соний» (Яратувчининг ягоналиги ҳақидаги сўз).

Бакр Тўбол ўғли «ал-Бидоя» мавзуларини китобининг тартибини бузмасдан, тўрт бўлимга бўлиб ўрганган. Айрим жойларида қисқача сарлавҳалар ҳам қўшган. Унинг таснифи куйидагича:

Биринчи бўлим – Илоҳиёт ва баҳслар

Иккинчи бўлим – Нубувват баҳслари

Учинчи бўлим – Ирода, қазо ва қадар баҳслари

Тўртинчи бўлим – иймоннинг моҳияти ва баъзи самъиёт (эшитилган ривоятлар) баҳслари [4:16].

Араб тилидаги «Бидоя» китоби равон услубда ёзилган бўлиб, муаллиф калом илми ҳақидаги мумтоз асарларда берилган ва кўпинча олимлар орасида мунозараларга сабаб бўлиб келган энг мураккаб муаммоларни унга киритиб, Мотуридий принциплари асосланган ҳолда уларни ўта мухтасар услубда, айни пайтда, кучли мантиқ ва далилларга суяниб ёритган.

Китобда ўрни келганда, аҳли сунна мазҳабларидаги айрим муаммолар мунозарали услубда изоҳланган. Турли фиркаларнинг тарафдорлари, жумладан, муътазила, суфастоя (сафсатабозлар), малоҳида (мулҳидлар), табоъия, даҳрия, санавия-мажус (икки ҳудоликка ишонувчи зардуштийлар), афлокия, ботиния, (исмоилий шиаларга тегишли гуруҳлар), қадария ва фалосифага тегишли қарашларни таҳлил қилиб, ақлий ва нақлий далиллар билан уларнинг асоссизлигини исботлайди.

Муаллиф Абу Мансур Мотуридийни Имомул-худо (ҳидоят пешвоси), Раису аҳлис-сунна, аш-шайхул-имом лақаблари билан зикр этади. «Қола асҳобуно» деганда у фақат мотуридия вакиллари назарда тутади.

Мураккаб фалсафий ва каломий муаммоларни сода иборалар билан ёритилганлиги, муаллиф араб тилини нечоғли мукамал билганлигидан далолат беради. Айрим машҳур олимлар унинг сўзлари ва ибораларини иқтибос қилиб, ўз асарларига киритганлар. Масалан, соҳибқирон Амир Темурнинг суҳбатдоши, «ал-Мутаввал» ва «Мухтасарул-маъоний» китобларининг муаллифи Саъдуддин Тафтазоний ўзининг «Шарҳул-ақоид» китобида, Камолуддин Баъзий «Ишоротул-муром» («Кўзланган

мақсадларга ишоратлар») китобида ва Роғиб Пошо «Сафина» асарида ундан иқтибос келтирганлар. Шунингдек, мисрлик таниқли файласуф Аббос Маҳмуд ал-Аққод илоҳиёт тарихига бағишланган машҳур асари «Аллоҳ» китобида Собунийдан иқтибослар келтирган [3:217].

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Шундай қилиб, улуғ ватандошимиз Имом Мотуридий асос солган калом мактаби ва унинг издошлари томонидан ривожлантирилиб, юксак даражага кўтарилди. Айтилгандек, бундай порлоқ сиймолардан бири бухоролик олим Нуруддин Собуний XII асрда бидъатчилар билан аҳли сунна ўртасидаги ғоявий кураш ниҳоятда кескинлашган бир даврда Мотуридийнинг таълимотини тиклади ва бебаҳо илмий асарлар яратди.

Нуруддин Собуний ўз асарларида жумладан, «Китобул – бидоя фи усулид-дин» китобида Абу Мансур Мотуридийнинг маърифат ва идрок манбалари борасидаги таълимотини шарҳлар экан ўзига хос услубга таянади. Қуйида асардан таржима қилинган мисоллар орқали олимнинг илмий усулуби ва мантиққа асосланган ҳулосалари билан танишиш мумкин:

«Илм икки қисмдир: қадим (азалий) ва ҳодис (азалдан мавжуд бўлмай, кейинчалик топилган).

Илми қадим Яратувчининг зотига қоим бўлиб, илми ҳодисга ўхшамайди. Илми ҳодиснинг икки тури бор: зарурий ва иктисобий.

Зарурий илми Аллоҳ, билим эгасининг таҳсили ва иродасидан ташқари, унда вужудга келтиради. Масалан, киши ўзининг мавжудлиги ва аҳволининг ўзгариб туриши, жумладан, очлик, чанқоқ, лаззат ва оғриқни, истайдими ёки истамайдими, билиб туради. Бунинг тўғрилиги ҳақида ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқ. Бундай билим (англаш) барча жонзотлар учун муштаракдир.

Иктисобий илми унга боғлиқ бўлган нарсалардан фойдаланиш орқали банданинг ўз иродаси ва ўзлаштируви асосида Аллоҳ яратади. Иктисобий илмнинг воситалари учтадур: соғлом ҳавос (сезги воситалари), хабари содик (чин хабар), ақл назари (ақл кўзи).

Ҳавос, яъни сезги воситалари бешта бўлиб, эшитиш, кўриш, ҳидлаш, татиш ва ушлаб кўришдан иборат. Агар мазкур хосиятларнинг

хар бири тўғри ишлатилса, унга хос бўлган нарса ҳам тўғри англаб олинади.

Хабари содиқ икки хил бўлади:

Биринчиси, хабари мутавотир – кетма-кет ривоят қилинган хабар, ёлғон айтиш учун келишувларини тасаввур қилиш мумкин бўлмаган турли шахслардан, турли ҳолатларда эшитилган хабардан иборат. Хабар мутавотирдан ҳосил бўлган илм зарурий (бадиҳий, яъни ўйламасдан англадиган) ҳисобланади. Масалан, ўтган подшоҳлар ва узок ўлкалар ҳақидаги маълумотлар шулардандир.

Иккинчиси, Пайғамбарлардан мўъжиза орқали таъкидланган хабар бўлиб, қатъий илм ундан келиб чиқади, лекин албатта далилланган ҳолда.

Ақл кўзи билан боқиш ҳам илм ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Ақлдан келиб чиққан илм икки хилдур:

Биринчиси, зарурий ёки бадиҳий (ўйламасдан билиб оладиган) бўлиб, ҳеч қандай ўйламасдан, бир қараш орқали ҳосил бўлади. Масалан, ҳар бир нарса ўзининг жузидан катгароқдир.

Иккинчи истидлолий билимдан иборат бўлиб, бир хил тафаккур орқали ҳосил бўлади. Масалан, тутунни кўриб ўт борлигини билиб олиш. Мазкур воситалар орқали ҳосил бўлган илм, инсоф кўзи билан боқиб, хусумат юзасидан ёндошмаган киши учун, амри машҳуд (кўзга кўриниб турган нарса)дек аниқ бўлади» [4:16-17].

ХУЛОСА

Манбаларни ўрганиш жараёнида шундай хулосага келиндики, Нурулдин Собуний XII асрда бидъатчилар билан аҳли сунна ўртасидаги ғоявий курашлар кескинлашган бир даврга тўғри келиши баробарида, аллома яшаб ижод этган давр XII асрда исломий илмлар ривожланиб, юзлаб ислом оламнинг мутафакир олимлари, фақиҳлар етишиб чиқди ва юзлаб мўътабар асарлар ёзилди. Бурҳониддин Марғиноний, Ифтихоруддин Тохир ал-Бухорий, Алоуддин Самарқандий, Алоуддин Косоний каби алломалар ҳам мана шундай илмлар ривожланиб, уламолар етишиб чиққан пайтда дунёга келдилар, ижод қилдилар.

Мазкур алломаларнинг илмий фаолияти энг юксак чўққига кўтарилган паллада Мовароуннаҳрда қорахонийлар ва

салжукийлар ўртасидаги кескин курашлар нафақат ақидавий балки, фикҳий мазҳаб (ҳанафий ва шофеъий) уламоларининг ҳам ўрталаридаги муросасизликка сабаб бўлган эди. Таъкидлаш жоизки, ўртадаги бу муросасизликлар фикҳий масалаларда эмас, балки асосан ақидавий масалаларда тус олган эди. Шофеъийлар бу ҳудудда хали кенг тарқалмаган Абу Ҳасан ал-Ашъарийнинг таълимотини ёйишга ҳаракат қилар эдилар. Шофеъийларнинг Мовароуннаҳрда фаолият олиб боришлари салжукийларнинг бу ўлкада тутган мавқелари билан узвий боғлиқ эди [5:42]. Мана шундай шароитда, ғоявий курашлар ниҳоятда кескинлашган бир даврда Мовароуннаҳрда мотуридийлик йўналишида юқорида таҳлил қилинган Нуриддин Собуний каби алломаларнинг саъй-ҳаракатлари билан мотуридийлик таълимоти ривожланди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абу ал-Адл Зайн ад-дин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 179/ ...). Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-маъмун, 1992.
2. Бакр Тўбол ўғли. Китобул – бидоя фи усулид-дин. – Анқара, 1995. – Б. 16-17.
3. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги: ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т: Тошкент ислом университети, 2002. – 255 б.
4. Нурулдин Собуний. “Китобул – бидоя фи усулид-дин”. – Истанбул. 1976. – Б. 16-17.
5. Мўминов А. Мовароуннаҳр уламолари: ҳанафийлар // Шарқшунослик. № 9 /1999. – Б. 42.
6. Kavakchi Y.Z. XI ve XII Asirlarda Karahanlilar Devrinde Mavara al-Nahr Islom Hukukchilari – Anqara: Sevinch, 1976.
7. Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тароҷум ал-ҳанафия. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-исломий, 1998.
8. Такий ад-дин Абд ал-Қодир ат-Тамимий. Ат-Табақот ас-сания фи тароҷим ал-ҳанафия. Абд ал-Фаттоҳ Муҳаммад таҳрири остида: 2 жилдда. – Қоҳира: Ал-Маҳалл ал-аъло ли аш-шуун ал-исламия, 1989.
9. Кураший Абу Муҳаммад Абд ал-Қодир ибн Абу ал-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музйъа фи табақот ал-ҳанафийа. 5 жилдда, Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида. Қоҳира: 1993. II жилд.
10. Окилов С. Абул-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридий таълимоти. – Тошкент: “Муҳаррир” нашриёти, 2008. – 184 б.